

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

Соғлом турмуш тарзига оид илмий ва назарий фалсафий қарашларда тарихий (антропогенез, этнология, этнография) йўналишнинг аҳамияти.

Осиё халқаро Университети

“Тарих ва филология”

кафедраси ф.ф.н.доцент

Гадоева Лобар Эргашевна

Аннотация: Ушбу мақолада тарихий (антропогенез, этнология, этнография) фанлар, айниқса палеонтология, археология фанлари кўп манбалар бериши, мазкур манбалар антропогенезда одамнинг табиат, ён атроф ва ҳайвонот олами билан алоқаларини тасдиқловчи кўп далиллар ва баъзи олимларнинг таъкидлашича, инсондаги соғломлаштириш инстинкти, ўзини ўзи даволаши ҳайвонот оламидан ўтган эканлиги, полеонтологик ва археологик топилмалар ҳайвонларнинг ўзини ўзи, ҳатто бир бирини даволашига оид қизиқарли мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: Антропогенез, этнология, этнография, асфантин, неандертал, Биби мушкул кушод афсонавий аёл, Бахоуддин Нақибандий,

Ушбу мавзумиз бўйича тарихий (антропогенез, этнология, этнография) фанлар, айниқса палеонтология, археология фанлари кўп манбалар беради. Мазкур манбалар антропогенезда одамнинг табиат, ён атроф ва ҳайвонот олами билан алоқаларини тасдиқловчи кўп далиллар келтиради. Баъзи олимларнинг таъкидлашича, инсондаги соғломлаштириш инстинкти, ўзини ўзи даволаши ҳайвонот оламидан ўтган¹. Полеонтологик ва археологик топилмалар ҳайвонларнинг ўзини ўзи, ҳатто бир бирини даволашига оид қизиқарли мисолларни келтиради. Масалан, Туроб табибнинг келтиришича, арилар талаган илон тезда ариқ бўйига тушиб, қандайдир гиёҳларни еган, шу тарзда арилар захридан ва шишдан халос бўлган. Бу гиёҳ эрман (афсантин) экан. Ибн Сино ушбу гиёҳнинг оғрик қолдирадиган ва аллергияни даволайдиган хусусиятга эга эканини келтиради. Ўрта асрлик табиб Ҳаким Кермоний ҳам афсантиннинг давобахш ҳислатларини қайд этади.²

¹ Кадиров А.А. "История медицины Узбекистана". Ташкент: Изд. Полигр.объединение им. Ибн Сина, 1994. С. 12

² Ўша асар С.10.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

Профессор А.А.Қодировнинг ёзишича, айрим маймунлар даволашнинг ўта приматив бўлса-да, усулларини билишган. Масалан улар туғилган наслнинг киндигини кесишни (тиши билан албатта), танасига кирган тиканакни суғириб олишни, оқаётган қонни тўхтатиш усулларини билишган. Ҳайвонларга, маймунларга хос бўлган бу усуллар антропогенез жараёнида одамлар ўзлаштирган, деган фикрни асослаш қийин”. Аввало антропоидлар, бошқа жонзодлар каби, дори дармонлар эмас, балки озиқ-овқат қидирган. Бу жараёнда улар фойдали даволовчи ва заҳарли ўсимликларга дуч келишган. Шу тарзда улар табиатда ейиш мумкин, фойдали ва зарарли ўсимликлар борлигини билишган. Ейдиган, фойдали ўсимликлардан фойдаланганлар, зарарлиларидан қочганлар. Бундай танлов жараёни инсониятнинг бутун ривожланишида давом этган”³. Энг муҳими шундаки, маймунлар янги туғилган наслнинг киндигини қандай тарзда, тиши орқали, кесган бўлса, алдувай одамлари (питекантроп ва синантропдан кейинги босқич одамлари) ҳам шундай қилган, баъзилари тош қуроллардан фойдаланган. Неандертал (100-60 минг йиллар аввал) ва краменьонслар (50-40 минг йиллар аввал) мазкур изланишларни янада такомиллаштирганлар ва саломатликни асрашнинг янги янги усулларини топишган.

Тарихий манбалар саломатликни асраш технологиясининг пайдо бўлишини илк ибтидоий давр матриархат босқичи билан боғлайди. Аёл нафақат ўчоқ, уй қўриқчиси, шунингдек, илк врач, илк табиб, илк даволовчи ҳам эди. Антропогенезда аёлнинг роли инсониятни алоҳида ижтимоий бирлик, онгли мавжудоднинг ибтидоси, уни асровчи, туғувчи ва яратувчи субъект сифатида эъзозланади. Ёввойи табиатдан ажралиб чиқиш, ўзини асраш, саломатликни асосий ҳаётий мезон, тириклик нишонаси сифатида англаш аёл саъй-ҳаракатлари билан боғлиқдир.

Ибтидоий давр одамлари саломатликни асрашнинг у ёки бу усулларини онгли тарзда ишлатган бўлсалар-да, бу ҳали уларнинг инсон ҳаёти, тириклиги, насл қолдириши ва айнан ибтидоий медицинага боғлиқлигини англаб етканини билдирмайди. Ибтидоий даволаш, медицинага оғриқни енгиллаштириш, у ёки бу ҳаракатни бажаришга кўмаклашишдангина иборат эди, албатта. Марказий Осиё халқлари тарихий ҳикояларида Анахита (Ардвисура Анахита), яъни Биби Мушкул Кушод

³ Ўша асар С.13.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

афсонавий аёли, кишиларни турли зарарли нарсалардан, хасталиклардан халос қилувчи соғ саломатлик ҳимоячиси образи сақланиб қолган. Ҳатто уни Баҳоуддин Нақшбанднинг аммаси деб аташади.⁴

Этнологияда халқ сиҳат-саломатлиги масалалари асосан халқ табобати халқнинг ўзини ўзи тиббий ва табиий воситалар билан даволаш усуллари дир. Шу билан бирга, ҳар бир халқ шундай даволаш анъаналарига эга бўлганки, уларда нафақат этногенез таъсири, шунингдек, этнопсиходагностика ва даволаш тажрибалари мужассам дир. Айниқса этнографик манбалар, мисоллар халқ табобати ва даволаш тажрибалари этномаданиятдан ва этнопсихологиядан чуқур жой олганини кўрсатади⁵. Тўғри, бу борадаги изланишларни замонавий этнологик концепциялар ва хулосалар нуқтаи назаридан таҳлил этиш даркор, шундай бўлсада, йиғилган этнографик материаллар халқлар саломатлик масалаларига ҳеч қачон бепарво бўлмаганлигини, даволаш тажрибалари табиий жўғрофий муҳит билан уйғун келишини кўрсатади. Меҳнат жараёни, озиқ-овқат топиш, яшаш учун кураш даволаш усулларида ўз изини қолдирган. Кўпгина қабилалар, элатлар ғорларда ёки сув тошқини рўй берадиган хавзалар бўйида, баъзилари эса қурғоқчилик, дашт, саҳроларда яшаган. Бундай табиий жўғрофий муҳит яшашни, умр кўришни мураккаблаштирган, саломатлик мудом хавф хатарга тўла муҳитга мослашиш элатлардан алоҳида мослашиш механизмларини кашф этишни талаб қилган. Ассимиляция ва этногенез уйғун ҳолда, бир бирига боғлиқ тарзда ҳаёт тарзига таъсир этган.⁶

Марказий Осиё халқларида оид этнографик ва археологик манбалар кўрсатадики, ўлкамизда яшаган илк одамлар саломатликни асраш, элат ва кишиларни турли хасталиклардан халос қилиш, даволаш борасидаги тажрибалари ошиб борган, даволашда фойдаланадиган гиёҳлар сони ортиб борган оғриқни қолдирувчи, наркотик таъсир этувчи, баъзи ички ҳазм жараёнларини сусайтирувчи ёки кучайтирувчи, кишига қувват берувчи, уни тез оёққа турғизувчи, шамоллашнинг олдини олувчи воситаларни кашф этишган. Булар ибтидоий даврга хос тиббий маданиятнинг кўринишлари

⁴ Женина ва мифах и легендах Ташкент: Гл. ред. энциклопедий, 1992. С. 57

⁵ Лебедова Н.М. Социальная психология этнических миграций. Москва: Наука, 1993; Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. Москва: 1993; Вебер М. Образ общества. Москва: Прогресс, 1994; Налчаджян А.А. Этническая характерология. Ереван, 2001.

⁶ Налчаджян А.А. Этногенез и ассимиляция. Ереван, 2003.

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

эдики, уларни мутлақ зарарли ёки қолоқлик сифатида инкор қилиб бўлмайди. Айнан ибтидоий даврда гиёҳлардан фойдаланиш тажрибаси шаклланди, инсон ўзини, саломатлигини асраш тажрибасини орттирди, энг муҳими табиий воситаларга мурожаат этишга ўрганди. Бу бир томондан, антропогенез ривожланиши талабларига тўла мувофиқ эди, иккинчи томондан, табиий муҳит билан, табиий олам билан бир бўлиб яшашга интилиш эдики, бу тажриба келгуси тарихий маданий тараққиёт йўлини белгилаб берди. Ушбу уйғунликка зид ҳар қандай уриниш, ҳаракат одам организмида салбий таассурот қолдирди, уни нафақат ўзига, шунингдек, табиий оламга ҳам ёв қилиб қуйди. XX асрда юзага келган экологик инқирозлар, чеги чегараси йўқ касалликлар, даволаш ва соғлиқни сақлаш индустриясининг юксалиб бораётнига қарамай янги янги касалликларнинг пайдо бўлаётгани ҳам ана шу гармониянинг, уйғунликнинг бузилиши натижасидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Кадиров А.А. "История медицины Узбекистана". Ташкент: Изд. Полигр.объединение им. Ибн Сини, 1994. С. 12
2. Женщина ва мифах и легендах Ташкент: Гл. ред. энциклопедий, 1992. С. 57
3. Лебедова Н.М. Социальная психология этнических миграций. Москва: Наука, 1993; Бромлей Ю.В. Этнос и этнография. Москва: 1993; Вебер М. Образ общества. Москва: Прогресс, 1994; Налчаджян А.А. Этническая характерология. Ереван, 2001.
4. Налчаджян А.А. Этногенез и ассимиляция. Ереван, 2003.
5. Гадоева Лобар Эргашевна. (2024). ВАЖНОСТЬ РАБОТЫ В ЗДОРОВОЙ СЕМЬЕ. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА, 2(4), 705–709.
6. Гадоева лобар Эргашевна. Ўзбек халқининг соғлом турмуш тарзи учун этнотиббий маданиятнинг хусусиятлари. Имом Бухорий сабоқлари журнали №2, 2020 й Б.88-91
7. Гадоева Лобар Эргашевна. Соғлом турмуш тарзининг замонавий карашларига оид бўлган тиббий модел. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион омиллари. (Республика илмий-амалий конференцияси материаллари) Жиззах 2021 й Б.159-163

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

8. Хасанова Шахноза Баходировна. (2024). РОЛЬ ИНТЕРНЕТ-СЛЕНГА В СИСТЕМЕ РУССКОГО ЯЗЫКА. TECHNICAL SCIENCE RESEARCH IN UZBEKISTAN, 2(5), 235–243. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11455009>

9. Хасанова, Ш. (2024). ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ ПАРЕМИИ СОВРЕМЕННОЙ ЛЕКСИКОЛОГИИ. *Modern Science and Research*, 3(5), 1231–1238. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/33333>

10. Хасанова Шахноза Баходировна. (2024). ФИЛОСОФСКАЯ ПРИРОДА ЛИРИКИ И. АННЕНСКОГО. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА, 2(5), 258–267. <https://doi.org/10.5281/zenodo.11188698>

11. Хасанова Шахноза Баходировна. (2024). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ПРОИЗНОШЕНИЮ, ГРАММАТИКЕ, ЛЕКСИКЕ И ПЕРЕВОДУ. МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА, 2(4), 431–440. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10968956>

12. Хасанова, Ш. (2024). PHRASEOLOGICAL UNITS OF THE RUSSIAN LANGUAGE. MODERN SCIENCE AND RESEARCH, 3(4), 128–133. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10936168>

13. Баходировна, Х. Ш. . (2024). Из Истории Изучения Пословиц И Поговорок. *Miasto Przyszłości*, 46, 513–520. Retrieved from <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/2892>

14. Хасанова, Ш. (2024). <https://doi.org/10.5281/zenodo.10651477>. MODERN SCIENCE AND RESEARCH, 3(2), 425–435. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10651477>

15. Xasanova, S. (2024). DIFFERENCE BETWEEN PROVERB AND SAYING. MODERN SCIENCE AND RESEARCH, 3(1), 140–147. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10467418>

16. Xasanova, S., & murodova, D. (2023). REPRESENTATION OF THE SYSTEMIC RELATIONS OF RUSSIAN VOCABULARY IN PROVERBS AND SAYINGS. *Modern Science and Research*, 2(10), 276–280. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/24346>

МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 9, 30 Сентябрь

17. Xasanova, S. (2023). USING EXPRESSIVE VOCABULARY IN RUSSIAN PROVERBS. *Modern Science and Research*, 2(10), 403–408. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/25248>

18. Hasanova, S. (2023). SYSTEM RELATIONS IN THE RUSSIAN LANGUAGE VOCABULARY. *Modern Science and Research*, 2(9), 72–74. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/23900>

19. Баходировна, Х. Ш. (2023). Гендерная Лексика В Русском Языке. *International Journal of Formal Education*, 2(11), 324–331. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/1505>

20. Хасанова Шахноза Баходировна. (2023). РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ СИСТЕМНЫХ ОТНОШЕНИЙ РУССКОЙ ЛЕКСИКИ В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ. *International journal of education, social science & humanities. finland academic research science publishers*, 11(4), 1220–1226. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7847968>

21. Xasanova, S. (2023). STRUCTURAL – SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS. *Modern Science and Research*, 2(12), 619–625. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/27109>

22. Nigmatova Gulnoz Khamidovna, & Khasanova Shakhnoza Bakhodirovna. (2022). System Relations in the Vocabulary of the Russian Language. *Global Scientific Review*, 3, 44–48. Retrieved from <https://www.scientificreview.com/index.php/gsr/article/view/22>

23. Shaxnoza Baxadirovna, X. (2023). PROVERBS IN THE LEXICOGRAPHICAL ASPECT. *International Journal of Formal Education*, 2(12), 429–437. Retrieved from <http://journals.academiczone.net/index.php/ijfe/article/view/1771>

24. Xasanova, S. (2024). DIFFERENCE BETWEEN PROVERB AND SAYING. *Modern Science and Research*, 3(1), 140–147. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/27853>

25. Xasanova, S. (2024). NAMES OF PERSONS IN RUSSIAN, UZBEK PROVERBS AND SAYINGS. *Modern Science and Research*, 3(2), 425–435. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/29049>

26. Хасанова, Ш. Б. (2023). ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВЫРАЗИТЕЛЬНЫХ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ЛЕКСИКИ В РУССКИХ ПОСЛОВИЦАХ. *Modern Science and Research*, 2(10), 403–408. Retrieved from <https://inlibrary.uz/index.php/science-research/article/view/25248>